



УДК 616.8-005

ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАР

М.А.Абдуллаева, К.Х.Уракова
Бухоро давлат тиббиёт институти

√ Резюме

Инсулт ўтказган беморларда когнитив бузилишлар. 36 та (20 та эркак ва 16 та аёл, ўртача ёши $57,4 \pm 3,4$ ёшга тенг бўлган ва $9,2 \pm 3,8$ йил давомийликка тенг бўлган) инсулт ўтказган беморлар олдик. Инсулт когнитив бузилишларга сабаб бўлувчи хасталик ҳисобланади, когнитив бузилишлар асосан 60 ёшдан ошган беморларда кўпроқ учрайди. Когнитив бузилишлар бемор ёшига, бош миядаги инсултдан кейинги зарарланган ўчоқлар ҳажмига ва қайта ўтказилган инсултлар сонига боғлиқ. Когнитив бузилишларни баҳолашда нейрпсихологик тест – MMSE (Mini-Mental State Examination) шкаласи бўйича анкета ўтказиб аниқладик.

Калит сўзлар: Инсулт, когнитив бузилишлар, MMSE, нейрпсихологик тестлар, зарарланган ўчоқ, қайта ўтказилган инсулт.

КОГНИТИВНЫЕ НАРУШЕНИЯ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСШИХ ИНСУЛЬТ

М.А.Абдуллаева, К.Х.Уракова
Бухарский государственный медицинский институт.

√ Резюме

Когнитивные нарушения у больных перенесших инсульт. Для исследования взято 36 больных (20 мужчин и 16 женщин, средний возраст которых составил $57,4 \pm 3,4$ и перенесших инсульт в течении $9,2 \pm 3,8$ лет). Инсульт является заболеванием приводящим к когнитивным нарушениям, когнитивные нарушения развиваются преимущественно после 60 лет. Развитие когнитивных нарушений зависят от размеров пораженного участка и количества повторных инсультов. При оценке когнитивных нарушений использовались нейрпсихологический тест – шкала MMSE (Mini-Mental State Examination).

Ключевые слова: Инсульт, когнитивные нарушения, шкала MMSE, нейрпсихологические тесты, размер пораженного участка, повторный инсульт.



COGNITIVE DISORDERS IN PATIENTS SUFFERED FROM STROKE

M.A.Abdullaeva, K.X.Urakova
The Bukhara state medical institute.

√ Resume

Cognitive disorders in patients suffered from stroke. We've analyzed 36 patients (20 men and 16 women, the mean age was $57,4 \pm 3,4$ and the history of stroke was $9,2 \pm 3,8$ years). Stroke is the disease that results in cognitive disorders mainly occur in patients over 60 years of age. Cognitive disorders depend on the age of patients, the scope of damaged zones after stroke, and the number of recurrent stroke. In order to evaluate cognitive disorders we've used neuropsychologic test MMSE (Mini-Mental State Examination) scales.

Keywords: Stroke, cognitive disorders, scale MMSE, neuropsychologic tests, volume of damaged zones, recurrent strokes.

ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАР

М.А.Абдуллаева, К.Х.Уракова
Бухоро давлат тиббиёт институти.

Долзарблиги

Нафақат мамлакатимизда, қолаверса бутун жаҳонда бош мияда ўткир қон айланишининг бузилиши билан кечадиган касалликлар муҳим муаммолардан саналади. Чунки касалликнинг кенг тарқалганлиги, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларининг юқорилиги, тирик қолганларнинг кўп қисмини ўз иш фаолиятини давом эттира олмаслиги ва ушбу шахсни жамиятдаги ўрнини қисман ёки бутунлай йўқотиши муқаррарлиги муаммони янада қийинлаштиради [1, 2].

Бош мия қон томирлари касалликлари орасида инсулт етакчи ўринни эгаллайди. Инсулт ўтказган беморларда когнитив бузилишлар йилдан йилга ортиб бормоқда [5]. Инсулт бу аҳолининг меҳнатга лаёқатини пасайтирувчи, узок муддат госпитализациясига олиб келувчи беморларнинг турғун ногиронланишига, уларнинг оилаларида ҳаёт сифатининг пасайишига ва давлатни сезиларли иқтисодий ҳаражатларига сабаб бўлувчи патологиядир [1, 2, 6].



MMSE (Mini-Mental State Examination) шкаласи нейрпсихологик бузилишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун кенг қўлланиладиган шкалалардан биридир [3, 4]. Ушбу шкаладан беморларда когнитив бузилишларни аниқлаш учун невропатолог, психолог ва психиатр фойдаланиши мумкин ва бу шкалани қичқа вақтда тўлдириш имкони ҳам мавжуд [1, 5].

Текширув мақсади

Бухоро шаҳридаги 1-сон оилавий поликлиникаси аҳолиси орасида инсульт ўтказиб, стационар даволанган ва инсультдан кейинги когнитив бузилишлари бор беморлар ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш.

Материаллар ва усуллар

Олдимизда қўйилган юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун текширувимизга Бухоро шаҳридаги 1-сон оилавий поликлиникаси аҳолиси орасида 2014-2017 йиллар давомида инсульт ўтказиб, стационар даволанган ва инсультдан кейинги когнитив бузилишлари бор бўлган 36 та инсультнинг асоратлари мавжуд бўлган беморлар олинди.

MMSE шкаласидан беморларда когнитив бузилишларни аниқлаш учун невропатолог, психолог ва психиатр фойдаланиши билан биргаликда, ушбу шкалани қичқа вақтда тўлдириш имкони ҳам мавжудлигини инобатга олган ҳолда текширувдаги барча 36 та беморларимизда когнитив бузилишлар кўрсаткичлари бўйича анкета ўтказиб аниқладик (жадвал).

Жадвал

Психик статусни баҳолашнинг қисқа шкаласи (Mini-Mental State Examination, M.Folstein et al., 1975)

Текширилувчи функция	Топшириқ	Баҳо (балл)
Вақтни аниқлаш	Вақтни айтинг (число, ой, ҳафта куни, йил, фасл)	0-5
Маконни аниқлаш	Ҳозир биз қаердамиз (хона, клиника, поликлиника, уй, шаҳар, давлат)?	0-5
Идрок	Қуйидаги 3 та сўзни такрорланг: сув, нина, қалам.	0-3
Диққат	100 дан 7 ни айириб беринг.	0-5
Хотира	Ҳалиги 3 та сўзни қайта эсга тушинг.	0-3
Гнозис	Бу нима? (бемор унга кўрсатилган нарсаларнинг масалан, қалам, соат номларини айтиши керак)	0-2



Жумлани такрорлаш	Жумлани такрорланг: “Ҳеч бўлмаганда, ҳеч қачон”	0-1
Топшириқни тушунтириш	Қоғозни ўнг қўлингиз билан олинганда, уни икки буклаб стол устига қўйинг.	0-3
Ўқиш	Ушбу ёзувни (“Кўзингизни юминг”) овоз чиқариб ўқинг ва уни бажаринг.	0-1
Ёзиш	Бирор-бир жумлани ўйлаб, уни қоғозга ёзинг.	0-1
Чизиш	Ушбу расмни (...) чизинг.	0-1
Баллар йиғиндиси		0-30


Баллар градацияси: 28-30 – когнитив бузилишлар йўқ, 20-27 – енгил деменция, 11-19 – ўртача даражадаги деменция ва 0-10 – оғир деменция.

Соғлом одам 28-30 баллгача тўплаши мумкин. Когнитив бузилишлар чуқурлашган сайин тўпланган баллар йиғиндиси камайиб бораверади. MMSE шкаласи бўйича бош миянинг диффуз зарарланишларида, яъни цереброваскуляр касалликлар, турли этиологияли энцефалопатиялар, диффуз церебрал атрофияларда кенг қўлланилади.


Текширув натижалари ва муҳокамалар

Текширувимиздаги 36 та беморнинг касаллиги $9,2 \pm 3,8$ йил давомийликка ва уларнинг ўртача ёши $57,4 \pm 3,4$ ёшга тенг эканлиги аниқланди. 36 та бемордан 20 таси (55.6%) эркак, 16 таси (44.4%) эса аёллардан иборат. 20 та эркакдан 14 таси (70.0%) ишемик инсульт ўтказган бўлса, 6 таси (30.0%) геморрагик инсульт билан хасталанган. 16 та аёлдан 10 таси (62.5%) ишемик инсульт, 6 таси (37.5%) геморрагик инсульт ўтказган. 14 та ишемик инсульт ўтказган эркак беморлардан 5 таси (35.7%) қайта ишемик инсульт ўтказган, геморрагик инсульт билан хасталанган 6 та эркак беморлардан 3 таси (50.0%) қайта геморрагик инсульт ўтказган. 10 та ишемик инсульт билан оғриган аёллардан 4 таси (40.0%) қайта ишемик инсульт билан хасталанган бўлса, 6 та геморрагик инсульт билан хасталанган аёллардан фақатгина 2 таси (33.3%) қайта геморрагик инсульт ўтказган. 36 та беморнинг барчасида ҳамроҳ касалликлардан хафақон касаллиги 29 та (80.6%), юрак ишемик касаллиги 20 та (55.6%), қандли диабет 12 та (33.3%), семизлик 18 та (50.0%) беморда бирга қўшилиб келганлиги ва зарарли одатлари бўлган 15 та (41.7%) бемор аниқланди.

Беморларимизнинг аксарият қисмини 60 ёшдан ошган ташкил қилди (1-расм) ва уларнинг ёши сон ва фоизларда қуйидагича кўринишга эга бўлди.



Текширувлар натижасига кўра беморларнинг барчасида когнитив бузилишлар аниқланди (2-расм). 36 та бемордан 26 тасида (72.2%) ўртача ифодаланган когнитив бузилишлар, 13 тасида (36.1%) яққол ифодаланган деменция аниқланди. Яққол ифодаланган деменцияси бор беморларнинг аксарият қисмини қайта ишемик (9 таси (25.0%) ва геморрагик (4 таси (11.1%) инсульт билан биринчи марта хасталанган беморлар ташкил қилди. Яққол ифодаланган деменцияси бор беморларнинг 65% ини 60-75 ёшли беморлар ташкил этди.





Хулосалар

1. Когнитив бузилишлар қайта инсульт ўтказган беморларда яққол даражадаги деменция мавжудлиги аниқланган бўлса, биринчи марта инсульт ўтказган беморларда ўртача ифодаланган когнитив бузилишлар аниқланди.

2. Когнитив бузилишлар даражаси қайта инсультлар ўтказиш сонига боғлиқлиги аниқланди.

3. Инсульт ўтказган беморлар ёши қанчалик катта бўлса когнитив бузилишлар даражаси ҳам яққолроқ намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гафуров Б.Г. Клиническая структура мозговых инсультов в отдельных регионах Республики Узбекистан по материалам анализа «Регистра мозгового инсульта» / Гафуров Б.Г., Аликулова Н.А. // Неврология. – 2000; 2: 6-8.

2. Гусев Е.И. Проблема инсульта в России // Журн. неврол. и психиатр. – 2003; 9: 3-5.

3. Катаршев А.В. Практическое руководство по психологической диагностике. – СПб., 2005.

4. Abdullayeva M.A., Israilov R.I. Kadirova L.V. The specific structure of the aortic wall in rats. // Тиббиётда янги кун. – Тошкент, 2021. - №2 (34).- 116-121 б. (14.00.00; №22).

5. Abdullayeva M.A. Morphological and morphometric changes in the aorta after treatment of ASD-2 Experimental radiation sickness // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022, 12(3): 309-313. (14.00.00; №2)

6. Abdullayeva M.A. Assessment of morphological and morphometric changes in the aort after treatment of experimental radiation sickness ASD-2 // J Ind Hyg Occup Dis, 2022, P 165-173. (Scopus).

7. Abdullayeva M.A. Study of risk factors for the development of the suspended pathology (observation) // North American Academic Publishing Platforms Art of Medicine International Medical Scientific Journal Issue-3 10.5281/zenodo.7057634 P 75-85. (14.00.00; №3).

8. Абдуллаева М.А., Иноятов. А.Ш. Ионизирующее излучение в экспериментальной и клинической онкологии // Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг бюллетени 2/2022.- 33-36 б. (14.00.00; №17).

9. Abdullaeva Muslima Akhatovna Change of lipid profile indicators and their correction under chronic radiation effect in rabbits of different ages // British Medical Journal Volume-2, No 4 10.5281/zenodo.7256156 p 246 -254. (14.00.00; №6)



10. Абдуллаева Муслима Ахатовна Турли ёшдаги қуёнларда сурункали нурланиш таъсирида липид профили кўрсаткичларини ўзгариши ва уларни коррекциялаш // Доктор ахборотномаси.– Самарқанд, 2022. - № 4 2022 (108), 13-18 б. (14.00.00; №20).

11. Абдуллаева Муслима Ахатовна Экспериментда липидларнинг ёшга оид узгариши ва уни аорта структурасига таъсири // Инфекция, иммунитет ва фармакалогия. – Тошкент, 2022. - № 6, 2022 , 11-18 б. (14.00.00; №15).

12. Abdullayeva Muslima Axatovna Pathomorphological Changes that Develop in the Wall of the Aorta under the Influence of Radiation.// Central Asian Journal of Medical and Natural Science, Volume: 02 Issue: 04 | Jul-Aug 2021.- P.198-203. (Impact Factor: SJIF 2021 = 5.526).